



МЕДИАЛИНГВИСТИКАДА ТИЛШУНОСЛИК ВА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ФАНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳакимов Ё. К.,

(ЎзЖОКУ Ноширлик ва босма
ОАВ факультети ҳарбий ва спорт
кафедраси стажёр ўқитувчиси)

Комилова З.Ё.,

(ЎзДЖТУ 3-босқич талабаси)

Аннотация: Мақолада тилишунослик ва компьютер лингвистикаси фанларининг медиалингвистикада қўлланилиши, қулайликлари, фаннинг ўзига хос йўналишлари ёритилган. Шунингдек, бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: компьютер лингвистикаси, тилишунослик, медиа, автоматик таржима, бўғин.

Бугун қатор соҳаларда бўлгани каби тилшуносликда, кибер оламда ва медиамаконда ҳам янги йўналишлар вужудга келди. Компьютер ва тилшуносликнинг кесишувидан “компьютер лингвистикаси” деган алоҳида фан шаклланди. Ушбу фаннинг ўз навбатида медиалингвистикага ҳам таъсири катта, қулайликлари салмоқлидир.

Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш каби устувор йўналишлар таҳлил қилинаётган тил фактларини тизимлаштириш, академик мақсадларда миллий ва хорижий тил кўникмаларини эгаллаш, тилни реал тасвирлаш, шунингдек, амалий тилшуносликда тил қўлланиши эталонларини оптималлаштиришга кенг йўл очади.

Дунё тилшунослигида компьютер лингвистикаси муаммоларини ўрганиш жараёни XX асрнинг 40-йилларида бошланиб, 60-йилларда жадаллашди. Жумладан, автоматик таржима, тезаурус, электрон луғатлардан фойдаланиш имконияти кенгайди, илмий-назарий асослари яратилди ва булар медиа соҳасида ҳам кенг қўлланилади. Янгиланишлар ахборот технологияларини тилшуносликка, медиага татбиқ этиш билан боғлиқ истиқболли илмий йўналишлар пайдо бўлишига йўл очди. XXI асрга келиб компьютер лингвистикаси йўналишида автоматик таржима сифатини яхшилаш, ҳар бир





тилга оид сўзларни леммалаш ва теглаш назарияси, алгоритми ҳамда лингвистик таъминотини яратиш, матн таҳлил қилиш, теглаш, таржима қилиш дастурлари тузиш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди.

Асосий йўналишларидан бири автоматик таржима учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш бўлган компьютер лингвистикасига оид амалга оширилган тадқиқотларнинг хорижда кўлами кенг. Жумладан, проф. Л.Л.Нелюбиннинг илмий фаолиятида машина таржимаси учун (инглиз тили бўйича) алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқиш асосий ўринни эгаллайди. Ю.Н.Марчук таржимани моделлаштириш методлари ва уни автоматлаштириш йўллари ишлаб чиққан ҳолда бугунги рус компьютер лингвистикасига асос солган олимлардан ҳисобланади. Шунингдек, А.М.Кондратов, В.Ю.Розенцвейг, Г.Г.Котов каби олимлар шу соҳада тадқиқотлар олиб боришган.

Истиқлол йилларида компьютер лингвистикасида автоматик таржима, сунъий интеллектнинг ўзбек тилини тушуниш ва қайта ишлашига эришиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда компьютер лингвистикасининг шаклланишида дастлаб лингвостатистикага оид илмий тадқиқот олиб борган М.Айимбетов, С.Ризаев, С.Мухамедов каби олимларнинг ишлари диққатга сазовор [2,3,4].

Ўзбек компьютер лингвистикасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетида 2001-йилда компьютер лингвистикаси лабораторияси ташкил этилган. Лабораторияда ўзбек тилининг математик ва компьютер моделларини яратиш, ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш, инглизча-ўзбекча компьютер таржима дастурларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий-тадқиқий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, сўнгги ўн йилликда компьютер лингвистикаси соҳасида А.Пўлатов, С.Мухамедова, А.Раҳимов, З.Холманова, Н.Абдурахмонова, А.Норов каби олимларнинг соҳага доир дарслик ва ўқув қўлланмалари нашрдан чиқди [5, 6, 7].

Республикамизда тилнинг компьютер моделлари, лингвистик таъминотини яратиш, шунингдек, компьютер методлари ёрдамида лингвистик масалаларини ечишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, Н.З.Абдурахмонова томонидан инглиз ва ўзбек тилларига оид аффикслар, морфологик луғат, феълли фраземаларнинг лингвистик таъминоти





yaratilgan; matnlarни автоматик таржима қилишда инглизча содда гап моделларининг ўзаро мувофиқлиги аниқланган; машина таржимаси учун матнларни морфологик, синтактик-семантик таҳлил қилиш тамойиллари асосланган; электрон луғат ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот яратиш тамойиллари бўйича парадигматик муносабатларни мувофиқлаштирувчи тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг амалий натижалари сифатида машина таржимаси лингвистик таъминотини яратишга оид ўқув қўлланма ва таржима луғат чоп этилган; инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминотига оид инглизча феълли фраземаларнинг ўзбекча таржима базаси ва ўзбекча сўзлар имлосини текширувчи мобил иловаси яратилган; инглиз ва ўзбек тилларининг дериватив-морфотактик усуллари ҳамда статистикаси аниқланган [8].

А. М.Норовнинг тадқиқотларида ўзбек тилидаги полисиллабик сўзлар учун автоматик бўғин ажратиш ва бўғин кўчириш усуллари ҳамда алгоритмлари ишлаб чиқилган; ўзбек тилидаги гапларнинг семантик-синтактик тузилмалари ва сўзларнинг фонетик хоссаларига кўра матн бирликларига оид лингвистик базалар яратилган ва тил объектларининг лингвистик моделлари ишлаб чиқилган; ўзбек лингвистикасининг матнни автоматик таҳрир ва интеллектуал таҳлил қилишга оид лингвистик ва лингво-математик моделлари асосида интерфаол дастурий воситалар учун алгоритмлар ишлаб чиқилган ва дастурий мажмуа яратилган [9].

Р.А. Каримов томонидан олиб борилган тадқиқотнинг амалий натижалари сифатида параллел корпус учун ўзбек тилидаги матнларни танлаш тамойиллари аниқланган, параллел корпус лингвистик таъминоти сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган матнлар тўпланган; параллел корпуснинг лингвистик таъминоти сифатида инглиз тилидаги маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга матнлар электрон кутубхонаси шакллантирилган; ўзбек ва инглиз тили параллел корпуси лингвистик базаси шакллантирилган, дастурлаш учун лингвистик таъминот тайёрланган [10].

Компьютер лингвистикаси фани глобаллашув даври муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган, ёшларнинг ҳам техникани, ҳам хорижий тилларни чуқур ўрганишларини таъминлайдиган соҳа ҳисобланади. Компьютер лингвистикасининг асосий мақсади лингвистик масалаларни ечишнинг





компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бу дастурлар учун маълумотлар базасини яратишдан иборат.

"Компьютер лингвистикаси"нинг мақсади қуйидагиларда намоён бўлади [6]

:

- компьютер лингвистикаси фани инсон ва машина (компьютер)нинг ўзаро алоқа муносабатга киришувига асос бўлади;
- турли ҳудудларда яшаётган кишиларнинг ўзаро мақсадли мулоқотига имконият яратилади;
- компьютер лингвистикасининг асосий иш воситаси ҳисобланган ахборот услуги дунёда юз бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий, маданий янгиликларнинг тезкор ва аниқ шаклда етказилишини таъминлайди.

Компьютер лингвистикаси компьютердан унумли фойдаланиш ҳамда лингвистикага доир масалалар (ахборот услубини ўзлаштириш, тилнинг функционал доираси ҳақида билимга эга бўлиш, тилларни ўқитиш, билимларни баҳолаш, матнларни таҳрир ва таҳлил қилиш, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш)ни компьютер воситасида ҳал қилиш йўллари белгилаш, компьютер саводхонлиги даражасини оширишга оид кўникмаларни ҳосил қилишни назарда тутди.

Бундан ташқари, бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги вазифаларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш.
- Интернет сайтларини яратиш меъёрларини белгилаш.
- компьютер изоҳли ва таржима луғатларини яратиш.
- ўзбек тили ва адабиёти дарслиklarининг электрон версиясини ишлаб чиқиш.
- компьютерда инглизча-ўзбекча таржима дастурларини ишлаб чиқиш.
- компьютердаги матнларни автоматик таҳрирлаш дастурларини яратиш.

Кўринадики, мазкур вазифаларни бажариш учун тилшунос ва компьютер мутахассисларининг ҳамкорлиги зарур.





Таъкидлаш лозимки, ўзбек компьютер тилшунослигини янгича, замонавий технологиялар, дастурлар асосида ривожлантириш ҳамда самарали, ихчам, қулай ва арзон компьютер дастурлари учун лингвистик таъминот яратиб бериш, таълимда бу мавзуларни ўқитишни такомиллаштириш ечими қутилаётган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ахборот асри бўлган XXI асрда олтиндан қимматроқ бўлган маълумотни зарар етказмай қабул қилиш, ишончли сақлаш ва энг қулай тарзда бошқаларга етказиб бериш тил билан, ахборот технологиялари билан бевосита боғлиқ экан, компьютер лингвистикаси фани соҳасида кўплаб илмий тадқиқотларнинг олиб борилишини давр тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>
2. С. Ризаев, Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 50 б.
3. С.А. Мухамедов, Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 25 с.
4. А. Пўлатов, Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 175 б.
5. С. Муҳаммедова, Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2006.
6. Z.T. Xolmanova, Kompyuter lingvistikasi (o`quv qo`llanma), Toshkent: "Asian Book House", 2020.-196 b.
7. N.Z. Abduraxmonova, Kompyuter lingvistikasi (darslik). Toshkent: Nodirabegim, 2021.- 398 b.
8. Н.З. Абдурахмонова, Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (соғда гаплар мисолида), филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент, 2018. -48 б.
9. А.М. Норов, Ўзбек лингвистикасининг компьютерга йўналтирилган моделлари, техника фанлари фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореферати, Тошкент, 2020.- 46 б.





10. P.A. Karimov, Ўзбек-инглиз параллел корпусини тузишнинг лингвистик ва дастурий масалалари, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD дис. автореферати, Бухоро, 2022. -54 б.
11. А. И. Сафаров, Китобхонлик тарғиботи конвергент мақола воситасида. infolib: информационно-библиотечный вестник учредители: Общество с ограниченной ответственностью с участием иностранного капитала "e-line press", (4).
12. А. И. Сафаров, (2020). EXPRESSION OF THE PURPOSE OF THE AUTHORITARIAN REGIME IN MILITARY PUBLICATIONS (on the example of military publications during the Soviet era in Uzbekistan). *Иностранные языки в Узбекистане*, (1).
13. А. И. Сафаров, (2021). THE ROLE AND IMPORTANCE OF MILITARY JOURNALISM IN THE MEDIA SPACE. *Иностранные языки в Узбекистане*, (1).

